

ERURSEN SHOHI, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

35
(1145)
29-avgust

2014

www.xabar.uz
info@xabar.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан ҳамда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни амалга оширишдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига кўра, бошқа соҳа вакиллари қатори алоқа ва ахборотлаштириш тизимининг қўйидаги ходимлари ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларига сазвоор бўлишди.

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими" фахрий унвони билан

Ғулможон Олимович БАЙМУРОДОВ — "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали 4-боғламаси етакчи муҳандиси.

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Суръат Анварович АРИФХАНОВ — Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиалининг "Data-Center" бошқариш хизмати бошлиғи.

"Дўстлик" ордени билан

Клара Мирзаевна ХОДЖАЯРОВА — "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Сирдарё филиали етакчи муҳандиси.

"Жасорат" медали билан

Панжибой Болтаевич ЮСУПОВ — "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Сурхондарё филиали Термиз тумани телекоммуникациялар боғламаси электромонтёри.

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Наджимитдин Хусниддинович ҲАКИМОВ — Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Давлат фелдъегерлик хизмати бўлим бошлиғи.

"Шухрат" медали билан

Баглап БЕКМУРАТОВА — "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти Жиззах филиали Пахтакор почта алоқаси тармоғи 2-алоқа бўлими бошлиғи.

Гулчеҳра Аҳмедовна ВАЙСОВА — Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали қошидаги 1-академик лицейининг инглиз тили фани ўқитувчиси.

Дурдона Ёкубоновна ИРГАШЕВА — Тошкент ахборот технологиялари университети "Ахборот хавфсизлиги" кафедраси мудири.

Мукофотлар қутлуг бўлсин!

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



Ота Макон

Муҳаммад ЮСУФ
Ўзбекистон халқ шоири

О, ота маконим,
Онажон улкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам.
Римни алишмасман бедапоянгга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,
Тоғларинг ортимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин.
Ё худбинман мен ё бир содда касман мен —
Парижнинг энг гўзал ресторанларин,
Битта тандирингга алишмасман мен.

На гапга кўнайин,
На тил билайин,
Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат —
Уч кунда соғинсам нима қилайин,
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, баридан улугим ўзинг,
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.
Баҳорда Бахмалда тугилган кўзинг,
Араб оҳусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам — базм,
Сенсиз бир он қолсам ваҳмин келади.
Сени билганларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳмин келади.

Jumadan Jumagacha

● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий соҳалар ҳамда давлат хизматчилари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш, "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш, Термиз шаҳрини "Амир Темури" ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонлари чоп этилди.

● Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси ўз иштини бошлади.

● Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлари ҳамда Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги болалар шаҳарчаларининг 50 нафар тарбияланувчиси иштирокида "Она Ватан тарихини ўрганамиз" мавзuida Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб "Ягонасан, муқаддас Ватаним, сенги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шiori остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, ибратли оилалар, иқтидорли ёшлар, касба уюшмалари тизимида меҳнат қилаётган фидойи мутахассисларга фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.

● Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Унда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича 2015-2016 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури маъқулланди.

● Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ярмаркасида вилоятдаги 341 корхона ва ташкилот 1 минг 786 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида 300дан зиёд кишига ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Бош ассамблея 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан эришилган натижалар тўғрисидаги ахборот БМТнинг олти тарафли тилида (араб, инглиз, испан, рус, француз, хитой) тарқатилди.

InfoCom-2014 АКТ ҳафталиги – Ўзбекистондаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг энг муҳим воқеасидир. Жорий йилда Ҳафталикни 22-26 сентябр кунлари ташкил этиш режалаштирилган. InfoCom-2014 доирасида бўлиб ўтадиган тадбирларда 20дан ортиқ мамлакатдан АКТ соҳаси ишлаб чиқарувчилари, компания ва экспертларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

АНОНС: InfoCom-2014 АКТ ҳафталиги 22-26 сентябр кунлари ташкил этилади

"BESTSOFT UZBEKISTAN 2014" ДАСТУРЧИЛАР ФОРУМИ ВА ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИ

"BESTSOFT UZBEKISTAN 2014" — дастурий маҳсулотлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган тадбир.

Тадбир мобайнида бўлиб ўтадиган дастурчилар форуми электрон ишланмалар ва дастурий таъминот маҳсулотларини жорий қилиш соҳасида етакчи дастурчи ва дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларни ўз атрофида бирлаштиради.

Кўргазмада эса юртимиз дастурий таъминот ишлаб чиқувчилари имтиёзли равишда bepul иштирок этишлари мумкин.

"BESTSOFT UZBEKISTAN 2014" форуми ва кўргазмаси 22 сентябр куни "Ёшлар ижод саройи"да бўлиб ўтади.

"UZ МИЛЛИЙ ДОМЕНИ 2014" ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛИ

"UZ Миллий домени 2014" интернет фестивали жорий йилнинг 15 июл куни эълон қилинган эди. Фестивал голиблари 10та мавзули ва 2та махсус йўналишлар бўйича саралаб олинади.

Жорий йилда Миллий интернет фестивали доирасида миллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларининг энг яхши мобил иловаларини аниқлашга бағишланган танлов ўтказилиши ҳам режалаштирилган. Шунингдек, бу йилги фестивалда ижтимоий тармоқларда энг яхши гуруҳлар саҳифалари рағбатлантирилади.

Фестивал голибларини тақдирлашга бағишланган тадбир 22 сентябр куни "Ёшлар ижод саройи"да ташкил этилади.

АКТ САММИТ-2014

Саммитда АКТни ривожлантиришда миллий дастур бўйича эришилган ютуқлар ҳамда муаммоларга бағишланган маърузалар тингланиб, мамлакатимиз турмуш тарзининг барча жабҳаларида АКТ инфратузилмасини ривожлантириш, электрон ҳукуматни жорий этиш, соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш, инновацион лойиҳаларни соҳада татбиқ этишда қўлга киритилган тажрибалар ва бошқа бир қатор соҳага оид долзарб мавзулар ўзаро муҳокама қилинади.

Саммит куйидаги учта муҳим йўналишларда ташкил этилади: "Давлат секторида АКТдан фойдаланиш", "Тадбиркорликда АКТдан фойдаланиш", "Интернет ва ахборот ресурслари". Саммит якунида мавзу ва йўналишлар бўйича таклифлар ва Саммит қарори қабул қилинади.

Саммит 23 сентябр куни Халқаро ҳамкорлик марказида ўтказилади.

MIT.UZ МИЛЛИЙ ИНТЕРНЕТ ТАНЛОВИ

23 сентябр куни "Туркистон" саройида ёшлар ўртасида ўтказилган MIT.UZ миллий интернет танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Жорий йилда танлов унта асосий ҳамда тўртта қўшимча йўналишлар бўйича ташкил қилинмоқда. Унда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқаролари иштирок этишади.

ICTEXPO-2014 ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

Ҳафталик доирасида 24-26 сентябр кунлари Тошкент, Урганч ва Гулистон шаҳарларида бир вақт-

нинг ўзида анъанавий ICTExpo-2014 миллий ахборот технологиялари кўргазмаси бўлиб ўтади.

Кўргазмаларда Ўзбекистон ахборот технологиялари соҳасида кўрсатилаётган хизматлар, замонавий технология ва ишланмалар намойиш этилади.

"Электрон ҳукумат" тизимига доир технологиялар стенди кўргазмадан ўрин олиши кутилаётган муҳим йўналишлардан биридир. Мазкур йўналиш бўйича иштирок этаётган муассасалар электрон ҳукуматни жорий қилишда қўлланилаётган истиқболли лойиҳаларини намойиш этадилар.

Бир қатор лойиҳаларни, семинар ва давра суҳбатларини, шу билан биргаликда, турли акция ва танловларни ўз ичига олганлиги билан ҳам кўргазма дастури кенг қамровлидир.

БОШҚА ТАДБИРЛАР

● 24 сентябр куни соат 15.00да "Кўргазмасавдомаркази" мажмуасида юртимизда интернет провайдинг ва миллий контент ривожига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтади.

● 26 сентябр куни "Пойтахт" бизнес-марказида "Электрон ҳукумат" ҳукумат платформасида ахборот воситалари ривожланишини қонуний тартибга солиш" мавзuidaги халқаро семинар бўлиб ўтади.

● 29 сентябр куни Uzbekistan CyberGames 2014 компьютер уйинлари бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг якуний босқичи ҳамда голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтади. Мазкур финал голиблари WCG 2014 жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Истиқлол солномаси

2004 йил

8 январда Ўзбекистон филателистлар жамияти республика Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди.

Июл ойида "Халқаро почтамт" акциядорлик жамияти (ҳозирги филиал)да хат-хабарларни жўнатишнинг автоматлаштирилган мониторинг тизимини жорий қилишга киришилди.

Август ойида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурда Ўзбекистон — Корея ахборот технологиялари маркази очилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги ҳамда "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунлари қабул қилинди.

2003 йил

Апрел ойида "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг 25 минг рақамга мўлжалланган 134, 135 ва 112-ЭАТСларини ишга туширишга бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Июл ойида юртимизда компьютер уйинлари (UCG) бўйича биринчи чемпионат ўтказилди.

"ЎзАлоқаКонсалтинг", "Ўзбектелеком Мобайл", "East Telecom" корхоналари ташкил қилинди.

Шу йилнинг 11 декабрида Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

Мукофотлар муборак!

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасининг юқори даражада юксалиши ҳамда равнақи йўлида фаолият юритаётган, шунингдек, мамлакат иқтисодий ва соҳанинг ривожланишига салмоқли ҳиссасини қўшиб келаятган бир гуруҳ алоқа ходимлари

"Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали тўртинчи боғламаси бошлиғи Абдуманоп Махаматшапиевич ШАРАФИДДИНОВ, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Хоразм филиали директори Атабай Исмоилович РАҲИМОВ, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК бош директори Голибшер Мелибоевич ЗИЯЕВлар Қўмитанинг "МОҲИРАЛОҚАЧИ" фахрий унвони билан;

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Қўнғирот тумани телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Дуйсенбай Тунгатарович ДАУЛЕТОВ, "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали марказий телефон боғламаси бош мўҳандиси Ножот Нурмухамедович САДИРОВ, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Самарқанд филиали Қўшрабод тумани ПАТ "Хонназар" алоқа бўлими бошлиғи Абдиназар Қобилович ТОНГОТАРОВ, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Жиззах филиали Жиззах шаҳар ПАТ 5-алоқа бўлими бошлиғи Зулайхо Низомовна ҚОСИМОВА, ТАТУ "Физика" кафедраси мудир Оксана Эдуардовна ТИГАЙ, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси катта инспектори Маъруф Жўраевич АБДУШУКУРОВ, "ЭМММ" ДУК Хоразм вилояти электромагнит мослашув хизмати бошлиғи Каримбай Қурбонбоевич МАТЯЗОВ, "UNICON.UZ" ДУК телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ИТД Электромагнит мослашув таҳлили хизмати бошлиғи Улугбек Музапарович АЗИМОВ, "UZINFOSOM" ДУК Ziyonet тармоғи ресурс маркази бошлиғи Толибжон Олтинович МИРЗАҚУЛОВ, "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази" ДУК тезкор бошқарув пункти катта диспетчери Ремзи Сеитвелиевич ОСМАНОВ, Республика ахборот-кутубхона маркази Хоразм вилояти ахборот-кутубхона маркази директори Раҳимбой ҚУРБОНОВ, Оммавий коммуниязиялар соҳасида мониторинг маркази Республика радиоэшиттиришлари мониторинги бўлими инспектори Бахтиёр Абдурахмонович ЮЛДАШЕВ, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ахборот хавфсизлиги бўйича норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш департаменти бошлиғи Раҳмат Шохруҳ Аҳтам ўғли, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази интернет тармоғидаги ҳодисаларнинг олдини олиш бўлими 1-тоифали мутахассиси Санжар Абдурахмонович ДУСМУҲАМЕДОВ, АТ "Алоқабанк" бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи Худояр Аманович БҮРОНОВ, "Алском" СК АЖ суғурта даволарини бартараф этиш департаменти директори Роман Александрович ЛИ, "Unitel" МЧЖ тижорат директори Максим Анатолевич ЕФРЕМОВ, "COSCOM" МЧЖ шаклидаги ХК сертификация ва метрология сектори бошлиғи, радиотармоқ сайтлари ишини мувофиқлаштириш ва легаллаштириш гуруҳи бошлиғи Урал Ибрагимович БОЙҚУЛОВ, "Rubicon Wireless Communication" МЧЖ ХК маркетинг ва реклама

бўлими бошлиғи Юлия Владимировна КИМ, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение бўлими бошлиғи Сирожидин Саидқосимович УСМОНОВлар Қўмитанинг "ФАХРИЙ ЁРЛИГИ" билан;

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали Ёзёвон туман ТБ кабел-пайвандловчиси Маҳаммаджон Аҳмаджонович БАРАСУЛОВ, "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали Ромитан туман ТБ шаҳар телефон тармоғи алоқа линия иншоотлари ва абонент қурилмалари 1-тоифали мўҳандиси Салим Адизович АСАДОВ, "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали Наманган шаҳар ТБ 239-ЭАТС кабел-пайвандловчиси Шухрат Юнусханович ЭРГАШЕВ, "Ўзбектелеком" АК Андижон филиали тармоқни ривожлантириш ва эксплуатация қилиш бўлими етакчи мутахассиси Абдулфайз Абдулазизович АЙСАЧЕВ, "Ўзбектелеком" АК "СНІРКОМ" МЧЖ ахборот хавфсизлиги бўлими мутахассиси Бекзод Ҳамидуллаевич САЙИДОВ, "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали Навоий шаҳар ТБ 3-АТС кабел-пайвандловчиси Анвар Азамович ҲАКИМОВ, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Андижон филиали Асака ПАТ Мирзаобод алоқа бўлими почтачиси Қосимжон АКБАРОВ, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали Тўрткул тумани ПАТ "Тўрткул-1" алоқа бўлими почтачиси Ислонбой Сапарбаевич САПАРБАЕВ, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Сирдарё филиали Сирдарё тумани ПАТ "Сирдарё-3" алоқа бўлими бошлиғи Лола Умаркулова МУРАТҚОСИМОВА, "Матбуот тарқатувчи" АК "Матбуот тарқатувчи" ШК Косон туман йўриқчиси Дилфуза Атоевна ЖҮРАЕВА, ТАТУ Урганч филиали "Телекоммуникация инжиниринги" кафедраси катта ўқитувчиси Неъматжон Урунбоевич СЕТМЕТОВ, ТАТУ Самарқанд филиали "Ахборот технологиялари" кафедраси катта ўқитувчиси Илёс Ширалиевич ХҲЖАЁРОВ, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Сурхондарё РТУМ Учқизил РТС алоқа электромеханиги Маматали Ҳайиталиевич ДАВЛАЕВ, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК 3-сонли радиостанция 3-цех етакчи мўҳандиси Владимир Владимирович ШАМШИН, "Махсус авария-тиклаш бошқармаси" (15361-сон ҳарбий қисм) ўта муҳим ва тоифаланган иншоотларни қўриқлаш алоҳида отряди бошлиғининг тартиб бўйича ўринбосари Аҳмаджон Одилжонович ТУРОПОВ, Давлат фельдъегерлик хизмати фельдалоқа катта офицери Аббор Рихсиевич МУҲАМЕДЖОНОВ, "РМАБ" ДУК Фарғона вилояти махсус алоқа боғламаси махсус топшириқлар бўйича фельдъегери Саидқабар Назирович УМАРОВ, "ВеПро-дастурчилар маркази" МЧЖ дастурчиси Отабек Тошпўлатович АБДУМАННОПОВ, "Алоқалойиҳа" ДУК смета бўлими 2-тоифали мўҳандиси Нонба Сайдуллаевна ВАЙСОВАлар Қўмитанинг "ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ" белгиси билан мукофотландилар.

Мукофотлар муборак бўлсин, азиз алоқачилар!

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг шонли тарихидаги буюк сана – Ўзбекистон Мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик қўймоқда. Қўтлуғ санага бағишлаб Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузурдаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказида ҳам давра сўхбати ўштиради.

АСРЛАРГА ТЕНГ

Мазкур маънавий-маърифий тadbирга таклиф этилган Ўзбекистон Республикаси Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари ўринбосари, фалсафа фанлари номзоди Шавкат Тураев ўз маърузасида мустақил Ўзбекистон учун тарихан қисқа, моҳиятан асрларга тенг давр бизга эрк тақдим этганлиги ва ўзлигимиз, миллий қадриятларимизга, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлганлигимиз ҳамда мустақиллик йилларида қўна тарихимиз, бой меросимиз, муқаддас динимиз, урф-одат, анъаналаримиз қайта тикланганлиги ҳақида сўз юритди. Айниқса, унинг "Бугунги кунда ер юзининг салмоқли қисмида уруш, нотинчлик, очлик ҳукм сураётган пайтда халқимизнинг қорни тўқ, усти бутлигини инкор этиш ношукрулик бўлади", деган гапи йўғиш иштирокчиларининг олқишига сазовор бўлди. Қизгин кечган давра сўхбати давомида Ш.Тураева иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишиб, жавоблар олишди.

Лазиз БҮРОНОВ,
АХТМ бўлим бошлиғи

ФАХРУ ИФТИХОРИМСАН, ВАТАН!

А.Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида "Фахру ифтихоримсан, Ватан!" мавзуйда илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Тadbирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, шоир ва таржимон Бақо Саидов "Саодатли кунлар шуқуҳи" ҳамда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Навоий вилоят бўлими раиси Б.Садриддиновлар "Ватанни севмоқ саодатдир" мавзуларида маъруза қилиб, мустақилликка қандай эришганимизни ва мустақиллик туфайли озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон яшаётганимиздан шукроналик билдириб, ўз ижод намуналарини ўқиб беришди. Ёш ижодкор Азмидин Шарипов байрам билан барчани қутлаб, "Ватан" ҳақида шеър ўқиди.

Тadbир давомида Навоий шаҳар 34051-ҳарбий қисм аскарлари учун Ўзбекистон Давлат Миллий академик драма театри актёри Миролим Қиличов ва Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти 2-босқич магистри Холмурод Ниёзовлар билан учрашув ҳам ташкил этилди.

Назира ЭШҚОБИЛОВА,
Навоий маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси

Ҳамкорлик ва технологик ечимлар

Ахборот технологияларининг тараққиёти жамиятда ахборот-кутубхона муассасалари салмоғининг кескин ошишига, уларнинг имкониятлари кенгайишига олиб келди. Бугунги кунда кутубхоналар ҳам интернет маркази, ҳам илмий-усlubий марказ, ҳам масофадан хизмат кўрсатиш маркази, ҳам ўқув мажмуаси, ҳам ахборотларни рақамлаштириш маркази вазифаларини бажармоқда.

Эндиликда аҳолига янада сифатли ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатиш соҳасидаги асосий вазифалар аниқлаб олинган. Хусусан, 2011-2015 йилларда республика ахборот-кутубхоналар интеграциялашган тармоғини яратиш, ахборот-кутубхона ресурслари электрон фондини ташкил этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ахборот-кутубхона муассасаларини янги техникалар билан таъминлаш, уларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича чоратadbирлар дастури тасдиқланган.

Охириги ўн йилликда ахборот-кутубхона муассасалари бажарадиган вазифалар мураккаблашди, улар кўрсатадиган хизматлар рўйхати эса бир неча марта ортди. Бугунги кунда ёлғиз ахборот-кутубхона муассасасининг чегараланган хизматлари ҳақида гапириб бўлмайди, интернет ва корпоратив тармоқлар, телекоммуникациялар ривожланиши натижасида фойдаланувчиларни ахборот билан таъминлаш имкониятлари сезиларли даражада ўсди. Етакчи мамлакатлар тажрибалари шунини кўрсатмоқдаки, бир соҳа, бир мамлакат,

ҳатто халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилгандагина юқори самарага эришиш мумкин.

Республика ахборот-кутубхона маркази ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетининг қўшма лойиҳаси асосида РАКМ биносида ўтказилган ўқув семинар ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалаларига ҳамда Президентимизнинг соҳани ислоҳ қилишга йўналтирилган қатор қарор ва фармонларининг, шунингдек, "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонун талабларининг бажарилишини таъминлашга қаратилди.

Жумладан, профессор Марат Раҳматуллаев "Ахборот-кутубхона муассасалари ҳамкорлигининг халқаро тенденциялари" мавзусида гапирар экан, автоматлаштирилган ва электрон кутубхоналар яратиш жуда кўп меҳнат ва маблағ талаб қиладиган жараён бўлиб, ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ҳисоб-китоблар ахборот-



кутубхона муассасалари электрон ресурсларини ўз ҳолича, бошқалардан ажралган ҳолда яратмоқчи бўлса, жуда кўп ресурсларни сарфлашига тўғри келиши, бунинг устига ходимлар малакасининг пастлиги ва ёзувларнинг қайтарилиши оқибатида бажариладиган ишлар даражаси ҳам юқори бўлмастлигини таъкидлади.

— Шунинг учун ҳам республикада автоматлаштирилган кутубхона тизими — АРМАТ (Ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими)ни яратиш ва такомиллаштириш устида фаол иш олиб борилмоқда, — деди у. — Мазкур тизим ТАТУ олимлари ва дастурчилари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда фаол ахборот алмашинуви ва умумий корпоратив ресурслар

яратиш ҳамда уларга киришни таъминлаш масалаларига асосий эътибор қаратилган. Мазкур тизим республиканинг 61 институт ва университетларига жорий этилиб, юқори самарага эришилди. Ҳозирги пайтда бу тизим республикадаги юздан ортиқ коллеж ва лицейларнинг ахборот-ресурс марказларида муваффақиятли татбиқ этилмоқда.

Навбатдаги маърузачи ТАТУ доценти Улугбек Каримов АРМАТ тизимининг янги технологик имкониятлари ҳақида гапирди.

Семинар қатнашчилари ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги зарур ва электрон каталоглар ва тўлиқ матнли маълумотлар базаларини яратиш муддатларини қисқартириш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳисобидан электрон ресурсларни шакллантиришга сарфланадиган маблағларни тежаш, маълумотларни шакллантириш, қайта ишлаш ва узатиш бўйича технологик вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, ягона корпоратив порталлар орқали ахборот ресурсларига киришни соддалаштириш унинг самарадорлигини таъминловчи асосий кўрсаткичлардир деган тўхтамга келдилар.

Семинар баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Эртанги кун бизники,



AMIR TEMUR

AMIR TEMUR
KUCHA VA OROQLAR
KUCHI
STRENGTH IN JUSTICE
چوگانچه

Йигирма уч йил. Кўхна тарих учун оний лаҳзаларга менгзулик ниҳоятда қисқа фурсат. Аммо, мамлакатимиз учун моҳиятган асрларга тенг, бу давр. Зеро, ушбу йиллар бизга эрк ва ҳурриятни тақдим этиб, ўзлимиз, шон-шўҳратимиз, миллий қадриятларимизни қайтариб берди. Ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлдик. Ҳа, XX асрнинг 90-йилларига келиб, жаҳон сиёсий харитасида Ўзбекистон деган янги мустақил давлат пайдо бўлиб, дунё ҳамжамиятининг эътиборини ўзига қаратди.

Яқин ўтмишимизга бир назар солайлик. Кеча ким эдик? Ўтган аср охирида қадр-қиммати, шаъни ва гурури поймол этилиб, бой тарихи ва муқаддас қадриятлари топталган халқ биз эмасмидик?! Тоталитар тузум зугумлари остида ғарибона яшаб, устимиздан мустамлака ҳукмронлиги кучайтирилгани аччиқ ҳақиқат эди. Ўзбекистон аталмиш юрт давлат сифатида маҳв этилиб, миллий хусусиятларимиздан тамомла ажраб борардик. Иқтисодийимиз батамом хомашё еттиштиришга йўналтирилиб, миллий қадриятларимиз, халқона урф-одат ва анъаналаримиз, бой маънавий, илмий-маданий меросимиздан мосуво бўлаётган эдик.

Ана шундай мураккаб ва ўта таҳдиқали бир даврда собиқ иттифоққа қарам республикалар ичида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўз давлат мустақиллигини эълон қилди. Бу, албатта, муҳтарам Президентимизнинг жуда катта маънавий жасорати ва матонати, қатъият билан қабул қилган энг олий қарори эди. Ушанда бизга турли хил назар билан

боққан нигоҳлар, кинояли гап-сўзларни урчитган гараз ниятли кимсалар бутун мум тишлаб қолдилар. Бинобарин, мамлакатимизнинг қисқа вақт ичида бу қалар гуркираб ривожланиши ундайларнинг етти уқлаб тушига ҳам кирмаган эди, ахир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ, ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун, унинг бахт-саодати, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил кундалик турмушимизда устувор аҳамият касб этгани юксак тараққиётимизда бош омил бўлди десак, муболаға эмас. Зотан, Бош Қомусимиз ҳисобланмиш Конституцияимизда ҳам инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилди. Қолаверса, изчил ўйланган иқтисодий ислохотлар билан тенг равишда маънавий ислохотлар ҳам олиб борилгани бу борадаги яна бир муҳим ютуғимиз бўлди. Яъни, бизда инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онли ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган кўшнинг икки қанотиға қиёсланган ҳолда сиёсат юритилди. Алал оқибат, аксарият Фарб давлатлари чуқур маънавий инқирозни бошдан кечираётган ҳозирги глобаллашув асрида бизнинг бу борадаги муваффақиятларимиз хорижий элларнинг чин маънода ҳавасини келтираётгани барчамизга чексиз фахр ва ифтихор бахш этиши табиий.

Айниқса, мустақиллик шарофати билан

Ассалом, мактаб!

Яна санақли кунлардан сўнг энг дуғ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигини катта шодийна билан нишонлаймиз. Бу кўтлуғ санаг ҳозирлик барча жойлардаги каби “Ўзбектелеком” АК “Бош коммутиация маркази” филиалида ҳам кўтаринки рўқда бошлаб юборилди.

Филиалимизда август ойи бошидан ҳар шанба, як-шанба кунлари ҳашар ва шанбаликлар уюштирилиб, корхона ҳудуди чиқиндилардан тозаланди, корхона ичи ва ташқарисидаги керакли жойлар таъмирланди, дараклар оқланди, гул кўчатлари экилди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида “Мустақиллик ва маънавият” ҳамда “Бугунги кунда ёшларни бузғунчи диний экстремистик оқимларга кириб қолишлари олдини олиш” мавзуда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Янги ўкув йили ва мустақиллик байрами муносабати билан 22 август кунини 1-синфга чиқувчилар учун “Ассалом

мактаб!” байрам тадбири бўлиб ўтди. Қизиқарли ўтган тадбир сўнггида болажонларга портфел тўла ўкув анжомлари тўплами ҳамда ширинликлар тарқатилди. Шунингдек, байрам муносабати билан фарзандлари мактаб, лицей, коллеж ва институтларда ўқийдиган 221 нафар ходимимизга касабга уюшмаси томонидан 2762500 сўмлик умумий дафтар тарқатилди.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсадимиз битта, у ҳам бўлса келажгимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол ва керакли инсон бўлиб вояга етишларига қўмаклашиш, қолаверса ходимларимизнинг меҳнат самарадорлиги юқори бўлишига эришишдан иборатдир, — дейди филиал касабга уюшмаси қўмитаси раиси ўринбосари Татьяна Пузина.

Шунингдек, байрам муносабати билан 40 нафар ёлғиз фахрий ва муҳтож ногиронларнинг ҳар бирига 120000 сўмлик озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Ўтган икки йил мобайнида 100 нафар фахрий Самарқанд шаҳрини, 80 нафар фахрий Бухорони, 100дан ортиқ фахрий Тошкент вилоятидаги Зангиота мақбарасини, Тошкент шаҳридаги Зайниддин ота ва Шайхонтохур ота мақбараларини зиёрат қилдилар. Фахрийлар фонди ҳисобидан улар пойтахтимиздаги театрлар спектаклларини томоша қилдилар. Соғлом бола йили муносабати билан 40 нафар фахрийнинг невараларига Ёш томошабинлар театрига чипталар берилди. Мақсад — мамлакатимизда ҳеч ким, ҳеч қачон эътибордан четда эмаслигини намоеън этиш, кекса авлод амалга оширган эзгу ишларни ёшларга ибрат қилиб кўрсатишдан иборат.

Маҳмуда АРИПОВА,
“Бош коммутиация маркази”
филиали ходими

Энг дуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан Андижон гарнизони тасарруфидаги 45605-ҳарбий қисмда Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кўтубхона маркази билан ҳамкорликда “Мустақиллик ўғлонлари Ватан ҳимоясида” мавзуда адабий-муסיқали кеча ўтказилди.

Мустақиллик ўғлонлари

Тадбирни 45605-ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор М.Носиров очиб, Ватанимиз ҳимояси ишончли қўлларда эканлигини, ҳозирги кунда Куролли Кучларда аскарлик бурчини ўтаётганларга яратилган имкониятлар ҳамда ҳарбий қисмда олиб борилган маънавий-маърифий тадбирлар ҳақида гапириб ўтди.

Шундан сўнг навбат ҳарбий қисм аскарларидан моҳир спортчилар, қўл жанги бўйича республика биринчилигида 2-ўрин соҳиб бўлган Абдурауф Исмаилов, муайтай бўйича Самарқанд шаҳрида ўтказилган турнирда 2-ўринни эгаллаган Илбоб Сайфиев, Гулистон шаҳрида ўтказилган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларида спорт гимнастикаси бўйича 3-ўринни эгаллаган Нурбек Кенжаевларга берилди. Улар ўз чиқишлари билан барчанинг олқишига сазовор бўлдилар.

Г.ХАЛИЛОВА,
АКМ ФХКБ сектор мудири

Марра бизники!

бой тарихимиз, илмий-маданий меросимиз, дину диниётимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб, янгича мазмун-моҳият касб этди. Эндиликда меҳроқибат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва иззат каби чин инсоний фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳамоҳанг тарзда умргузаронлик қилиш ҳаётимизнинг олтин қондасига айланиб улгурди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда қадимий илдиизга эга бўлган миллий давлатчилик тикланди. Ўзбек давлатчилигини янги тарихий шароитда тиклаш ва янада ривожлантиришнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий асослари яратилди ва мустаҳкамланди. Ўз келажигининг ҳақиқий бунёдкорига айланган халқнинг олий манфаатларига жавоб берувчи ички ва ташқи сиёсат муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ўз олдига қўйган улкан стратегик мақсад — энг ривожланган, илғор демократик давлат барпо этиш сари тараққиётнинг ойдин йўлидан дадил одимламоқда. Бунини мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан барқарор суръатларда ривожлантиришда, аҳоли турмуш фаровонлигининг изчил ва мунтазам равишда ошиб бораётганида, шаҳар ва қишлоқларимиз кун сайин чирой очиб, обод бўлиб, янги қиёфа касб этаётганида, энг муҳими, тизимли равишда давом эттирилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида яққол кўриш мумкин.

Энг асосийси, одамларимизнинг руҳия-

ти ва дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнатининг натижасига муносабати, жаҳонда ва ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси тубдан ўзгармоқда. Фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, бурч ва масъулиятни англаш туйғуси кучайиб бормоқда.

Мухтарам Президентимиз раҳнамоллигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг асосини айнан тинчликпарвар ғоя, давлатлараро ва миллатлараро тотувлик, минтақа ва дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш каби эзгу мақсадлар ташкил этади. Зеро, давлатимиз раҳбарининг турли вақтларда турли нуфузли минбарлардан туриб Марказий Осиёда тинчликни сақлаш, бу минтақани ядро куралидан холи ҳудудга айлантириш, халқаро терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм, гиёҳвандлик, минтақавий можаролар, миллатлараро зиддиятлар, экологик муаммоларга қарши кураш борасида баён этган ташаббуслари бугун нафақат дунё миқёсида қўллаб-қувватланмоқда, балки уларни ҳаётга татбиқ этиш энг мақбул йўл эканлиги давлат ва жамоат арбоблари, таниқли сиёсатчилар томонидан очик-ойдин эътироф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, 2012 йил 10 сентябрдан кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси” ҳам тинчликпарвар сиёсат олиб бориш мамлакатимизнинг энг олий устувор мақсади эканлигини яна бир қарра исботлади. Мазкур ҳужжатнинг мазмуни миллий хавфсизлиги-

мизни янада мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичларини сақлаб қолиш, юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ҳамда фуқаролик жамиятига асосланган эркин демократик давлат куриш вазибаларини амалга оширишни давом эттириш учун имкон қадар қулай ташқи шароитларни яратишга қаратилгандир.

Дарҳақиқат, бундай жаннатмонанд юрт дунёнинг ҳеч бир ерида топилмайди. Зеро, Она Ватанини кўз қорачигидай асрашга, ҳамisha огоҳ бўлиш, эзгуликка, дунёни билишга, ўзлигимизни асрашга, қолаверса инсон деган улуг номга муносиб яшаши интилишимиз зарур. Унутмайлик, бу порлоқ эртамиз учун, фарзандларимиз камоли учун ҳам керак.

Ахир биз Буюк Мустақиллик боис тенглар ичра тенг бўлдик. Бугун Ўзбекистонга дўстона узанган қўллар, ҳавасли нигоҳлар бисёр. Албатта, бу дорилмон кўнларга осонликча эришганимиз йўқ. Йўлимизда учраган турли тўсиқ ва ровлар, бизга ғараз кўз билан боқиб, тинчлигимизга раҳна солмоқчи, осийишта турмушимизни пароканда қилмоқчи бўлган кучларга қарши сабр-матонат, вазминлик билан кураш олиб борганимиз, танлаган йўлимиздан орта қайтмаганимиз, халқимиз иродасининг букилмагани боис салмоқли натижаларни қўлга киритдик. Бундай янги ва юксак марраларга юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осийишталик боис эришганимиз эса, аён ҳақиқат. Шунинг учун ҳам бундай шуқуҳли кўнларнинг қадрига етишимиз, истиқлолимизни кўз қорачигидек асраб-авайлашимиз, тинчлик учун курашмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздор.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Люблю тебя, ты дорог мне, родной мой Узбекистан!

История развития междугородной и международной связи в Узбекистане на всех этапах развития тесно связана с развитием самого государства.

В 1991-1992 годах осуществлено строительство наземной спутниковой станции системы Интелсат и международной коммутационной станции NEAX-61 (NEC, Япония). Ввод этих объектов обеспечил организацию 810 каналов международной связи и позволил организовать вместо существующих 13 каналов международной связи через Москву, прямой неза-

второй половине 2013 года введены в эксплуатацию МЦК2 и МЦК3, в результате монтированная емкость возросла на 40%. Построенная таким образом коммутационная сеть TDM успешно справляется с возложенными на нее функциями по транзиту междугородного и международного телефонного трафика.

В настоящее время согласно

IMS значительно расширяют возможности конечного пользователя за счет оказания расширенного набора услуг, в том числе тех, которые были невозможны на сетях с коммутацией каналов. К преимуществам сети IMS относится конвергенция услуг, т.е. возможность получения услуг аудио и видео телефонии, а также всех видов чатов, что возможно реализовать за счет использования внутреннего трафика.

После реализации Концепции развития сетей и услуг междуна-

Модернизация и реконструкция

сетей телекоммуникаций, проведенная за годы независимости Республики Узбекистан

висимый выход по спутниковым каналам на страны дальнего зарубежья через Японию, Германию, США, Великобританию, Турцию, Пакистан. Увеличился объем предоставляемых международных услуг и улучшилось их качество.

В 1995 году введена в эксплуатацию международно-междугородная цифровая станция в Ташкенте типа EWSD (SIEMENS, Германия) емкостью на 4270 точек поля.

В 1996 году емкость существующей междугородной электронной станции типа AXE-10 расширена на 512 точек поля.

В 2000 году проведена модернизация международно-междугородной станции типа EWSD путем перевода на новую версию и расширения емкости на 12870 точек поля и 624 номеров абонентской емкости. Это позволило организовать прямые направления по наземной сети с Германией, Россией, Турцией, Китаем, Казахстаном, Украиной и значительно увеличить количество каналов на направлениях национальной междугородной сети. Осуществлен переход на немедленную систему обслуживания посредством организации рабочих мест телефонистов ADMOSS (Универсальная цифровая много-функциональная система операторских услуг).

В 2009-2011 годах произведена реконструкция и расширение Международного центра коммутации. Были проведены работы по приобретению новых коммутационных систем AXE-810 (Ericsson, Швеция) монтажу, настройке этих коммутационных систем на объектах МЦК1 и МЦК4, а также расширена емкость коммутационных систем по технологии TDM. В результате проведенных работ коммутационная емкость возросла более чем в 2,3 раза.

В 2010 году разработана Концепция развития сетей и услуг международной связи, основной целью и задачей которой является обеспечение эффективного функционирования Международных Центров Коммутации.

В целях эффективного распределения международного трафика между регионами, увеличения надежности и живучести сетей во

Концепции развития сетей и услуг международной связи реализуется эволюционный путь перехода к сетям следующего поколения путем замены оконечных станций и построения параллельной, взаимно резервируемой сети на уровне ключевых узлов коммутации в стадии строительства. Обеспечивается двухуровневая схема построения сети, функционирующая параллельно с существующей сетью TDM.

Первый уровень сети, строительство которой на стадии завершения, предусматривает установку в МЦК-1, МЦК-2, МЦК-3 оборудования NGN (класс IV) предназначенного для организации транзитного центра. Он осуществляет маршрутизацию и распределение вызовов в IP сетях на магистральном уровне, обеспечивая транзит и перераспределение трафика, получаемого от региональных сегментов, международной сети и стыковку с сетью TDM на международном и междугород-

В настоящее время филиалом реализуется проект внедрения коммутационной системы IMS (IP Multimedia Subsystem).

ном уровне. Второй уровень сети предусматривает использование оборудования NGN 5 класса с возможностью работы непосредственно с оконечными абонентами сети и предоставление им как транспортных услуг, так и дополнительных видов обслуживания).

Сети, построенные с использованием технологии IMS, обладают горизонтальной архитектурой, в которой разделение существует только на уровне доступа к сети, а далее сеть объединяется транспортным уровнем в единую сеть IMS. При этом оператор сохраняет полный контроль над важнейшими интерфейсами и опорной сетью. При этом технология IMS позволяет создать однородную среду оказания широкого спектра мультимедийных услуг. Решения

родной связи филиалом "БКМ" будут созданы две взаимовязанные сети, построенные на основе оборудования разных производителей и не зависящие друг от друга. В случае возникновения проблем на сети TDM, нагрузку полностью берет на себя сеть NGN и наоборот, тем самым обеспечивая надёжность и устойчивость сетей.

Одновременно в настоящее время идет реализация проекта "Модернизация сети тактовой синхронизации и внедрение системы единого скоординированного времени на телекоммуникационной сети АК "Узбектелеком", что позволит обеспечить высокий уровень качества работы сети в соответствии с мировыми стандартами и требованиями рынка, а также обеспечить синхронную работу не только цифровой телекоммуникационной сети компании, но и присоединяемых сетей, и снизить количество сбоях и ошибок в работе сети по причине рассинхронизации.

Актуальность решения задачи организации системы единого скоординированного времени или, другими словами, организации временной синхронизации в телекоммуникационных сетях неразрывно связана с развитием биллинговых систем, систем управления разного назначения, сетевой безопасностью, компьютерных систем, а также совершенствованием методов эксплуатации цифрового оборудования электросвязи и метрологическим обеспечением.

В части модернизации оборудования спутниковой связи в настоящее время идет реализация проекта по замене оборудования спутниковой связи для организации транспортного канала передачи данных для доступа к сети интернет, что, в свою очередь, обеспечит резервирование наземной трассы и позволит организовать высококачественную и устойчивую работу сети.

Ирина НЕСТЕРОВА,
консультант отдела развития и эксплуатации сети филиала "БКМ" АК "Узбектелеком"

ИКТ Саммит 2014: начат прием докладов

Начат прием докладов и регистрация участников Саммита по информационно-коммуникационным технологиям 2014 года. ИКТ Саммит состоится 23 сентября в Международном бизнес-центре в Ташкенте в рамках Недели ИКТ InfoCom-2014.

В текущем году в Саммите ожидается участие представителей Республики Корея, России, Азербайджана, Беларуси, Казахстана, Таджикистана, Эстонии, Германии, Нидерландов, Чешской Республики и других стран. Общее число делегатов превысит 500 человек.

Оргкомитет Саммита, учитывая тенденции развития ИКТ и рекомендации участников предыдущих лет, определил следующие направления секционных заседаний: "ИКТ в государственном секторе", "ИКТ в бизнесе" и "Интернет и информационные ресурсы".

Одной из главных тем обсуждений Саммита станет развитие электронного правительства. Участники также рассмотрят достижения и проблемы в реализации национальных программ развития ИКТ в стране, опыт внедрения ИКТ в отдельных сферах, вопросы регулятивной политики и другие актуальные вопросы.

Зарегистрироваться для участия в ИКТ Саммите можно на сайте мероприятия до 10 сентября. Желаящим выступить с докладом необходимо подать тезисы своего выступления до 5 сентября.

Сайт: www.ictweek.uz/ictsummit.

Подача заявки

на получение лицензии на осуществление медицинской деятельности

С целью создания дополнительных удобств для субъектов предпринимательства, на Едином портале запущена новая услуга "Подача электронной заявки на получение (переоформление, продление) лицензии (лицензионного соглашения) на осуществление медицинской деятельности".

Теперь, благодаря новой услуге, юридические лица могут подать электронную заявку на получение (переоформление, продление) лицензии (лицензионного соглашения) на осуществление медицинской деятельности на Едином портале.

Принятые заявки будут обработаны Управлением лицензирования и контроля качества медицинских услуг, оказываемых негосударственными учреждениями при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан, а по итогам экспертизы лицензирующим органом составляется заключение с соответствующим предложением.

Услуга реализована во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан от 15 апреля 2014 г. "О мерах по дальнейшему совершенствованию процедур, связанных с осуществлением предпринимательской деятельности и предоставлением государственных услуг".

Мустақиллик – энг олий неъмат

Бу неъмат биз учун нақадар қадрли эканлиги, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қўлга киритган ва киритажак ютуқларимиз ҳақида сўзламоқ Мустақиллик байрами олдида амалга оширилаётган маърифий ишларнинг бир қирраси. Шунинг учун ҳам таниқли сиёсатшунослар, олим ва санъаткорлар байрам олдида корхона ва ташкилотларда бўлиб, маърузалар ўқийдилар, одамларни мустақилликни қадрлашга, уни мустақамлашдек эзгу ишга ҳисса қўшишга чиқарадилар.

Яқинда "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компа-

ниясида бўлиб ўтган тадбирда ҳам шундай бўлди. "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган байрамолди тадбирида компаниянинг барча ишчи хизматчилари тўлиқ иштирок этиб, ТАТУ "Фалсафа" кафедраси катта ўқитувчиси Бобомурод Бобоёровнинг қизиқарли маърузасини тингладилар ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олдилар.

Ўтказилган тадбир иштирокчиларнинг кайфиятига кайфият қўшиб, руҳлари кўтарилишига сабаб бўлди. **Ўз мухбиримиз**



"Янги интеллект – 2014"

ТАНЛОВ И
ЭЪЛОҢ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлиги "Янги интеллект - 2014" энг яхши интеллектуал мулк объекти учун йиллик танлов ўтказилишини эълон қилди.

Танлов республикада ихтирочилик ва илмий-техникавий ижодиётни рағбатлантириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, янги техника, технология ва рақобатбардош маҳсулотларни яратишга кўмаклашиш, илғор технологияларни татбиқ этиш, ихтирочилик фаолиятини фаоллаштириш, қўллаб-қувватлаш, энг яхши интеллектуал мулк объектларини аниқлаш ва ҳуқуқ эгаларини мукофотлаш мақсадида ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, дастурий маҳсулотлар йўналишлари бўйича ўтказилади.

Танлов 2014 йилнинг 1 сентябридан 2015 йил 1 мартга қадар давом этиб, унда энг яхши ихтиро, энг яхши фойдали модел, энг яхши саноат намунаси, энг яхши дастурий маҳсулот сингари номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади.

Агентлик матбуот хизмати маълумотига кўра, танловга охириги уч йил ичида Ўзбекистон Республикаси патентини олган интеллектуал мулк объектлари ҳамда миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган дастурий маҳсулотлар қабул қилинади.

Танловда барча номинациялар бўйича совринли 1-3 ўринларни эгаллаган ғолиблар пул мукофотлари билан тақдирланиб, уларга танлов ташкилотчиларидан эсдалик совғалари топширилади.

Интерактив хизматлар энди смартфон ва планшетларда

Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларга 33 турдаги интерактив хизматлар тақдим этилмоқда.

Солиқ тўловчиларга интерактив давлат хизматларини янги кўринишда, Android ва Apple iOS амалиёт тизимларида ишлайдиган смартфон ва бошқа замонавий мобил алоқа воситалари орқали тақдим этиш мақсадида "Soliq" мобил илова ишлаб чиқилди.

Мазкур дастур орқали Давлат солиқ қўмитасининг 20га яқин турдаги интерактив ва бошқа электрон хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилган.

У орқали мобил воситалари (смартфон ва планшетлар) ёрдамида исталган жойда ва ҳар қандай вақтда солиқ тўловчи ўзи учун зарур маълумотга эга бўлиши мумкин. Буни амалга ошириш учун мазкур воситага "Soliq" мобил иловасини ўрнатиш kiffoя.

Мобил илова ўзбек ва рус тилларида ишлаб чиқилган. Келгусида мазкур иловага инглиз тилидаги талқинини ҳам қўшиш назарда тутилган.

Таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур мобил илова фойдаланувчилар учун ҳар томонлама қулай ва самаралидир. Уни смартфонга ўрнатиб, тегишли солиқ қарздорлиги, ўз солиқ инспекцияси ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш, СТИРни аниқлаш, солиқ соҳасидаги долзарб саволлар ва уларга бериладиган жавоблар билан танишиш, мавзулар юзасидан солиқ органларининг расмий тушунтиришлари билан танишиш, имтиёзлар маълумотномасидан фойдала-



ниш, солиқ органлари қабулига ёзилиш, бизнесни ташкил этиш бўйича маслаҳатлар олиш, текширишлар режа-жадвали билан танишиш, шунингдек, бошқа қатор зарур маълумотларни ҳам олиш мумкин.

"Soliq" мобил иловаси 2.2 ва ундан юқори версиядаги Android (API 8+) амалиёт тизими, шунингдек, 4.0 ва ундан юқори версиядаги iOS амалиёт тизими бошқарувидаги воситаларда, яъни iPad, iPhone 3GS, iPhone 4S), iPhone 5ларнинг барча версияларида ишлайди.

Мазкур мобил илова ҳақида қўшимча маълумотларни Давлат солиқ қўмитасининг расми www.soliq.uz сайтида "Илова ҳақида"ги бўлимдан олиш мумкин. Шу жойда мобил иловани юклаб олиш учун AppStore ва Google Playга ҳавола ҳам мавжуд.

"Электрон ҳукумат" бўйича ўқув

Жорий йилнинг 18-23 август кунлари Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказида "Электрон ҳукумат" миллий тизимининг татбиқ этилиши ва ривожланиш истиқболлари" мавзусидаги ўқув курсида ҳудудий статистика бошқармалари бошлиқлари ўз малакаларини оширдилар.

Мазкур ўқув курсида марказ профессор-ўқитувчиларидан ташқари Тошкент ахборот технологиялари университетидан мутахассис ҳамда Давлат статистика қўмитаси раисининг ўринбосари профессор Б.Бегалов маъруза ўқиди.



Штрихли кодлар

Унинг оригинал-макетини ишлаб чиқишга Ягона портал орқали буюртма бериш мумкин

GSI тизимида рўйхатга олинган рақамли кодни (GTIN) қадоқланган маҳсулотнингизга жойлаштиришингиз ҳамда штрихли кодларнинг оригинал-макетини ишлаб чиқиш учун "Ўзстандарт" агентлиги штрих кодлаш марказига Давлат интерактив хизматлари ягона портали орқали буюртма бериш хизмати йўлга қўйилди.

Янги хизмат доирасида штрих кодлаш маркази қуйидаги ишларни амалга оширади:

- Қадоқланган маҳсулотлар учун штрихли кодларнинг оригинал-макетини ишлаб чиқиш;
- Штрихли кодлар ҳақиқийлигини тасдиқлаш;
- Қадоқланган маҳсулотларнинг ёрлиғига тамғаланган штрих кодларнинг сифатини текшириш.

Ушбу хизмат фақатгина Ягона порталда рўйхатдан ўтган юридик шахслар учун мўлжалланган.

Штрихли кодларнинг оригинал-макетини ишлаб чиқиш учун Ягона портал орқали буюртма қабул қилиш хизмати маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга вақт ва маблағларни тежаган ҳолда штрих кодларни ўзларининг қадоқланган маҳсулотларида жойлаштириш имконини беради.

Мазкур хизмат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-ботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш доирасида жорий этилган.

“ЎзМобайл” филиали Сурхондарё участкасининг хизмат кўрсатиш қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Фаолиятини 2004 йилда атиги 2та БТС билан бошлаган бўлса, бугун замонавий станциялар сони 23тага етди. Бу БТСлар Қарши шаҳридаги коммутатордан Е1 оқими ёрдамида бошқарилиб турибди.

Кейинги ўн йилда Ziyonet таълим тармоғига уланган мактаб ва коллежлар сони анча ортди. Амалдаги Соғлом бола йилининг ўтган иккинчи чорагида шундай шохобчалар 793тага кўпайди.

2004-2014 йиллар мобайлида вилоят радиотелевидение узатиш маркази бевосита хориж технологияси асосида замонавийлаштирилди. Натижада марказнинг Термиз, Жарқўрғон ва Олтинсой туманларидаги шохобчалари қуввати оширилди. Ҳозир Вахшивор радиотелевидение узатиш участкасига ўрнатилган махсус ускуна шарофати билан вилоятнинг шимолий туманлари аҳолиси рақамли телевидение имкониятларидан кенг фойдаланишмоқда. Бу йил ана шундай қулайлик Учқизил радиотелевидение узатиш марказида ҳам йўлга қўйилди.

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим



Сурхондарё вилояти

Асрий

Замонавий технологияларга таяниб

Йигирма уч йил бўлмоқдаки, мустақиллик нашидасидан баҳрамандмиз. Бу даврда тобедик барҳам топди. Эркин меҳнатнинг имкониятлари кенг, нони ширин эканлиги яққол билинди. Энг муҳими, миллий қадриятларимизга таяниб иш кўрган ҳолда тобора ўзалигимизга қайтдимиз.

Албатта, замонавий билимлар ва маълумотларни етказиш ҳамда улардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ жараёнда телекоммуникация технологияларининг муносиб ўрни бор. Сирасини айтганда, биз мамлакат бўйлаб соҳага оид юксак билимларга эсосланган янги иқтисодийёт асри бақамти амал олганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, кейинги ўн йил йўлга қўйилган бундай истиқболли ишлар учун муҳим даяр бўлди. Хусусан, Сурхон воҳасида кўрсатилаётган хизматларини жаҳон андозаларига мос олиб боришга доир ҳаракатлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

“Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиали жамоаларида замонавий рақамли ахборот технологияларини жорий этишга ўз вақтида ва астойдил киришилган эди.

Бу ҳаракат кейинги йилларда ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Манзил билан тўғридан-тўғри боғланиш қишлоқ меҳнатқашларининг кўнглидаги иш бўлди. Улар энди собиқ коммутаторнинг “кутиб туринг”, “ҳозир тармоқ банд”, “ўзим чиқаман” деган сўзларини эшитиш ўрнига вақтдан унумли фойдаланиб, бир зумда мурад-мақсадига етмоқда.

Қишлоқда фақат телефон эмас, балки телекоммуникациянинг бошқа хизмат турларидан

ҳам кенг фойдаланилмоқда. Фикримизга, филиалнинг Ангор телекоммуникациялар боғламаси фаолияти мисолида ойдинлик киритсак. Туман аҳолиси “Ягона ойна” савдо офиси хизматидан миннатдор. Гап шундаки, мутахассисларга таяниб, улар узоғини яқин, мушкулени осон қилишмоқда. Хизмат турлари билан боғлиқ барча муурожаатлар тез ҳал этилаётир. Шавкат Жўраев, Тура Қулбоев ва Нуркомол Тўйчиев каби малакали ходимларнинг касб одобига хос самимий муносабати савдо офиси ривожига хизмат қилмоқда.

Ангорлик алоқачиларга шундай хайрли ишларида муваффақият тилаймиз.



Байрам арафасида вилоятнинг www.surkhondaryo.uz расмий веб-сайти ўрнига янги — www.new.surkhondaryo.uz веб-сайти маълумотлар билан тўлдирилган ҳолда ишга туширилди.

Фуқаролар кутиб қолишмаяпти

Маҳалла фуқаролар йиғинида котиблик чоғида фуқароларга бериладиган маълумотномалар ва баъзи ҳисоботларни ручка билан ёзиб берардим. Энди бу ишлар компютерда бажариляпти. Янгилик эвазига фуқаролар аввалгидек кутиб қолишмаяпти, маҳаллий ҳокимлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари сўраган ҳисоботлар ўз вақтида етказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, маҳалла котиби Хушбоқ Соатов ҳамда профилактика нозир Иброҳим Йўлдошевлар бириктирилган компютер хизматидан унумли фойдаланишаётир. Ўзим ва ходимларимиз Термиз шаҳрида ўтказилган ўқув маишулотларида қатнашиб, компютер саводхонлигига эга бўлганимиз ҳақидаги сертификатни олдик.

Қисқа вақт мобайлида мавжуд компютерларнинг маълумотлар базасини мустаҳкамлаб олдик. Бу маҳалла институти тараққийини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Маҳалламизда оилавий тадбиркорлар кўпаймоқда. Уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга кўмаклашишимизда замонавий компютер хизматларининг беқийс ўрни сезилиб турибди.

Эргаш БЕГИМҚУЛОВ,
Жарқўрғон туманидаги
Янғобод МФЙ раиси

Элим деб, юртим деб...

Бу ёш мутахассислар “ЎзМобайл” филиали Сурхондарё участкаси аъзолари ҳисобланишади. Иккаласи ҳам истиқбол йилларида ТАТУни тугаллаб, ўзларининг мустақил меҳнат фаолиятларини янги ташкил топган жамоада яхши ниятлар билан бошлашди. Улар ҳар бир хайрли ишга “Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак” деган ҳаётбахш башоратга хос туйғу билан киришади. Акмалжон Холиёров эса ўзини ҳамиша участка бош муҳандиси эмас, балки жамоанинг фаол аъзоси сифатида ҳис қилади. Ҳозир ҳам (суратда) малакали ҳамкасби Орзибек Қодиров билан Бойсуннинг тоғолди қишлоғи — Мацайдаги замонавий алоқа воситасини монтаж қилишда қатнашмоқда.

Абдурасул Гулматов раҳбарлик қилаётган участка жамоасининг бундай ҳамжиҳатлиги зиммага юлланган вазифани муваффақиятли



уддалашга хизмат қилмоқда. Кейинги ўн йил давомида вилоят ҳудудига 23та БТС ўрнатилди. Унинг асосий қисмидан Узун, Сарийоё, Олтинсой, Шеробод ва Бойсун туманларидаги тоғолди қишлоқлари аҳолиси фойдаланилмоқда. Ваҳоланки, мустақилликка қадар бу чекка манзилларда алоқа хизмати муаммо бўлиб келарди. Айни пайтда эса Шерободдаги биргина Кўҳитанг қишлоғида “ЎзМобайл”нинг икки

мингдан ортиқ мижози бор.

Этиборлиси, кўрсатилаётган хизмат сифати фойдаланувчиларни мамнун этмоқда. Шу боис “ЎзМобайл” филиали фаолиятининг вилоят бўйича қамрови тобора кенгайиб борапти. Жорий йил якунига қадар Сурхондарёда CDMA-450 тармоғини кенгайтириш ва ривожлантириш лойиҳаси доирасида қўшимча 26та база станцияси фойдаланишга топширилади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сурхондарё филиали тасарруфидида 200дан ортиқ алоқа бўлими бўлса, бу жамоаларнинг асосий қисмида электрон почта алмашувини амалга ошириш шарт-шароити яратилган. Вилоят почта алоқаси тармоқлари ва алоқа бўлиmlарини замонавийлаштириш ишлари давом этмоқда.

Адиб Собир Термизий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази китоб фонди истиқлол йиллари нашр қилинган асарлар ҳисобига бойиб бормоқда. Ҳозир марказ жовонларидида 230 минг 348 нуска китоб бор. Ана шу илм манбаларининг қарийб 9 мингтаси замон талабига мос тарзда электрон кўриниш вадди. Жамоа мутахассислари 31 дона компьютердан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

“Ўзбектелеком” АЖ Сурхондарё филиалида қарашли телекоммуникация боғлама-ларида бундан ўн йил муқаддам электрон рақамли телефонлар сони бармоқ билан санарли эди. Бугунги кунга келиб, қишлоқ телефонларининг барчаси рақамлаштирилди. Шу билан бирга 16та GSM, 13та Huawei, 26та MSAN узлуксиз ишлаб турибди.

сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

орзулар рўёби

Йўли ёруғ ёшлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди келажак эгаларининг фаоллигини янада ошириш, юксак маънавиятди, эркин ва мустақил фикрга эга бўлган соғлом авлодни етиштириш асосий эътиборга олинган. Бу бежиз эмас, мустақил Ватанимиз истиқболининг порлоқ бўлиши ёшлардаги айни шу фазилатларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Аҳли жамоамиз ёшлардан ташкил топган. Уларнинг ҳаракатчанлиги ва изланувчанлигини кўриб севинаман. Соҳасини яхши билиши баробарида маънавий

соғломлиги билан ҳам ажралиб туради. Улар устоз ва шогирд анъанасини давом эттиришга доимо хушёр ёндашмоқда. Яқинда ТАТУ ва унинг филиалларида таҳсил олаётган талаба ёшлардан 35 нафари вилоятимизга келишди. Ёш мутахассисларимиз издошларнинг амалиётини ноанъанавий усулда ўтказишни маъқул топишди. Бевосита “Бунёдкор ёшлар-2014” дастури доирасида қишлоқларга йўли олинди. Натижада бир ярим мингдан ортиқ кишига компютер ва интернетда ишлаш сабоқлари берилди. Янги телекоммуникация технологиялари мавзудида ўтказилган ўқув семинарларидан ҳам қутилган мақсадга эришилди.

Шу билан бирга, жамоамизга Денов компютер технологиялари касб-ҳунар коллежи бириктирилган. 2013-2014 ўқув йилида коллеж ёшларининг амалиёт машғулотларини ташкил этдик. Битирувчиларнинг ўз иш ўринларини топиши назоратга олинган. Умид қиламизки, мамлакатимиз ёшларининг йўли ҳамisha ёруғ бўлади.

Зойджон АХМЕДОВ,
Сурхондарё вилоят
ЭММХ бошлиғи



Давру-даврон бизники

Кўп йил почта соҳасида хизмат қилдим. Шеробод почта алоқаси тармоғига раҳбар бўлган кезларим ҳозиргидек меҳнат шартонлари йўқ эди.

Шу боис мустақиллик берган дорилмон кунларга ҳар қанча шукрона қилсак, арзийди.

Авваллари фуқаролардан қабул қилган почта жўнатмаларимиз бир неча кунда эгасига етиб борарди. Бугун эса масофа саноқли кун ва соатлар билан ўлчанапти. Ошлар уйдан туриб коммунал тўловларга пул ўтказишмоқда. Газета-журналларга ёзилиш учун ҳам кўп таъвиш чекишмаяпти.

Севишли соҳадаги бу каби ўзгаришларни кўриб-билиб туриб, ишимизнинг давомчиларига ҳавасим келди. Ишончим комилки, улар айни шу эътиборга яраша хизмат қилишади.

Менгали ИЗБОСАРОВ,
алоқа соҳаси фахрийси

Асрнинг асл белбоғи

“Телекоммуникация транспорт тармоғи” филиалининг 7-боғламаси бошлиғи Алмирза Шоймардонов қиладий смилақ ва нақадар мустақкам оптик тала нускаларига диққатимизни тортаркан: — Биласизми, амалдаги ахборот асрнинг асл белбоғи мана шу матоҳ бўлади, — деб қолди.

Биз мутахассис хулосасидан ҳайратга тушидик. Сухбатдошимиз буни дарҳол сездим шеклиди, айтмоқчи бўлган гапи моҳиятига уруғ бера бошлади. Дарҳақиқат, Алмирза Дурсаевич ҳақ! Чиндан ҳам оптик талади кабел ўзанида бутун олам нафаси мужассам. Унда сигнал, белги, матн ҳам, тасвир ва товушлар каби бошқа кўринишлар ҳам бор. Бу жараён ахборотни исталган манзилга узатади, қабул қилади ҳамда ишлов беради. Асрнинг асл белбоғи учун масофалар йироқлиғи писанд эмас.

Не бахтки, шундай беиннат ва беқиёс хизмат самардорлигини таъминлашга “Телекоммуникация транспорт тармоғи” филиалининг 7-боғламаси жамоаси муносиб ҳисса кўшиб келмоқда. Айниқса, уларнинг истиқлол йилларидаги меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Энг муҳими, кўп миллатли жамоа “Ўзбекистон умумий уйимиз” шиори билан баҳамжиҳат ишламоқда. Ҳамкасблар орасида Виктор Сидненко, Алиш Гасанов каби кўп йиллик тажрибага эга алоқа ходимлари борлиги қувонарлиқдир.

Барча қатори боғлама жамоаси ҳам мустақиллик кунининг 23 йиллик байрамини ёруғ юз билан кутиб олишаётганидан беҳад хурсанд.

Аждодлар мероси — электрон кўринишда

Мустақиллик эълон қилинганидан кейинги дастлабки кунларда вилоят кутубхонасига Адиб Собир Термизий номи берилди. Ушанда бирон киши яқин орада бу маънавият маркази фаолияти йўналишида ҳам туб ўзгаришлар рўй беришини тасаввур қилмаган эди. Соҳадаги ислоҳот янги асрнинг олтинчи йилида бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижросига доир ишлар тез орада жадаллашди. Вилоятдаги илмий универсал кутубхона Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона марказига айлантирилди. Ўтган вақтда амалга оширилган улкан ишлардан бири — китобларнинг электрон кўри-нишларини яратишга киришилгани бўлди. Шу мақсадда марказ замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида жиҳозланди. Ходимларимиз пойтахтда малака ошириб қайтишди. Ҳозиргача қарийб тўққиз минг нускага яқин китобларнинг “ИРБИС” дастури асосидаги йиғма электрон каталоги яратилди. Бунда Гулчехра Аминова сингари ходимларимиз хизмати катта бўляпти.

Ҳозирда мавжуд ахборот-кутубхона марказлари ва уларнинг филиаллари марказлашган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Мам-



лакат миқёсида бир-биримизнинг ишимизни кузатиб бориш, туманлардаги ахборот-ресурс марказлари билан боғлиби туриш имконияти яратилди.

Биз ҳар йили мустақиллик байрамига бағишлаб китоб кўргазмалари, давра суҳбатлари ўтказиб келяпмиз. Шу кунларда эса мустақиллигимизнинг 23 йиллигига атаб “Буюк ва муқаддасан, Ватан”, “Озодлик — дунёда энг улугъ неъмат”, “Мен англаётган мустақиллик” каби мавзуларда китобхонлар билан учрашувлар ўтказаяпмиз.

Меҳринисо МАМАТҚУЛОВА,
вилоят АКМ директори ўринбосари

Кўшаҳифа материалларини “Xabar”нинг Сурхондарё вилоятдаги мухбири Нортжон ЗИЁЕВ тайёрлади.

Қарши шаҳри жамоли бугунги кунда қайтадан жилоланмоқда. Йўллар кенгайиб, янги турар-жой бинолари қад ростламоқда. Янгидан-янги ишоотлар барпо этилиб, фойдаланишга топшириляпти. Биз учун энг азия, улуғ бўлган Мустақиллигимизнинг шонли санъиси олдидан ана шундай бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши анъанага айланиб борапти.

Муштарақ мақсадлар

Вилоятдаги корхона ва ташкилотлар, муассасалар тўйга тўёна сифатида ўзларининг муносиб совғаларни тайёрламоқдалар. Ҳар бир соҳа вакиллари бунёдкорлик ва тараққиёт сари одимлаётган Ватан равнақиға муносиб ҳисса кўшиш ниятида. Алоқа соҳаси вакиллари ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, аҳоли ва ташкилотларга сифатли алоқа хизматини кўрсатиш, бу орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг оламшумул қирраларидан фойдаланган ҳолда уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида тинмай ишланишлар олиб бормоқдалар.

Қарши шаҳридаги "ЎЗИ-Қарши" филиали аҳоли ва корхоналарга телекоммуникация хизматларини кўрсатиб келаётган пешқадам корхоналардан бири. Алоқа соҳасининг мустақиллик йилларида жадал суратлар билан ривож топиши соҳанинг нақадар тезкорлик билан ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб келаётганидан дарақ бериб, мушкулларни осон, манзиллигини яқин, ахборот алмашиш ва узатишда энг самарали восита эканлиги билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир вақтлар бошқа йирик шаҳарлар билан телефон алоқасини амалга ошириш учун соатлаб навбат кутдилар, алоқа сифатининг пасглиги туфайли шаҳарлараро сўзлашувлар жараёнида ноқулайликлар юзга келар эди. Энди-чи, шаҳар ёки туман марказига манзил босиб келишнинг ҳолати йўқ. Уйдан туриб дунёнинг исталган бурчаги билан алоқа қилиш имконияти мавжуд. Ҳатто қишлоқларда ҳам бу жараён муваффақиятли кечиб, аҳоли дунё билан бўйлашмоқда, дунёнинг бошқа бурчагидаги қадрдон киши билан сўзлашмоқда. Замонавий алоқа воситалари орқали бир-бирларининг дийдорини кўришмоқда. Бир қараганда оддий, бироқ миллионлаб километр узоқда турган киши билан бир девор ортида ёхуд кўшни хонадон билан гаплашгандек мулоқот қилмоқликнинг ўзи мўъжиза. Бу ахборот технологияларининг нақадар тараққий этганидан бир нишона холос.

Мавжуд АТСларнинг сигими 32320 рақамга мўлжалланган бўлиб, шундан 16576таси Искрател станцияси сигими, 15744таси янги, замонавий



"ЎЗИ-Қарши" филиали мутахассислари



MSAN станцияси сигимиға тўғри келади. 2657 нафар абонент юқори тезликдаги интернет, 553 нафар абонент CDMA-450 симсиз телефон алоқа хизматидан, 245 нафар абонент эса IPTV интерактив телевидение хизматларидан фойдаланмоқда. Йил охирига қадар миқозлар сони бир неча баробарга ортиши кутилмоқда. Қарши шаҳрида реконструкция ишлари амалга оширилиши натижасида шаҳар кўчаларининг кенгайиши муносабати билан Ўзбекистон ва Насаф кўчалари кешишган чорраҳада жойлашган 1024 рақамга мўлжалланган 226/00-АТС бошқа масканга кўчирилди ва 260 метр масофада кўшимча телефон каналлашмаси қурилди. Иккита телефон қудуғи ўрнатилиб, телефон каналлашмасининг 60 метрига тўрт қатор ва қолган қисмига икки қатор полиэтилен қувурлари ётқизилди. Бошқа муассаса ва АТСлардан келувчи бешта оптик толали кабелларнинг муфталаари монтаж қилиниб, АТС ва кросс ҳамда станция алоқа кабеллари ўрнатиш тартибда монтаж қилинди. ТПП русумли алоқа кабеллари ётқизилди.

Қарши шаҳрининг Боғишамол маҳалласидаги аҳоли, ташкилот ва муассасаларнинг телефон, интернет, IPTV хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида шу ҳудудда жойлашган Компютер технологиялари коллежи биносида 96 рақамга ва 48та ADSL портга мўлжалланган MiniMsan станцияси монтаж қилиниб, ишга туширилди. Натижада

ҳудудда 96та янги телефон нуқталари ўрнатилишига эришилди. Бундан ташқари, Араловул маҳалласида ҳам шу каби ишлар бажарилиб, MiniMsan станцияси ўрнатилиди. Бу ерда MSAN 3 станцияси ўрнатилиб, станцияни MiniMsan станцияси билан ўзаро боғлаш мақсадида 2,15 км. масофада оптик толали алоқа кабелли ётқизилди. Команди маҳалласида истиқомат қилувчи аҳоли ва бу ердаги ташкилот ва муассасаларга сифатли интернет хизматини кўрсатиш ва унинг тезлигини ошириш, IPTV хизматини жорий этиш учун 225/70-АТС билан шаҳарнинг Насаф кўчасида жойлашган MSAN 11 оралиғида 3,479 км. масофада оптик толали кабел, 224-АТСдан Қарши агробизнес ва тadbirkorlik коллежи оралиғида 1,2 км. масофада оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан вилоят прокуратураси оралиғида видеоконференца алоқа ташкил этиш ҳамда интернет, IP телефония, IPTV хизматларини тақдим этиш имкониятларини яратиш мақсадида 221-АТС биносидан мавжуд телефон каналлашмаси орқали 1154 метр масофада оптик толали алоқа кабелли ётқизиш ишлари амалга оширилиб, АТСларга қарашли 13та магистрал кабеллар гидрофоб суюқлиги билан тўйинтирилди.

Қаршида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганлиги муносабати билан алоқа линиялари хавфсизлигини таъминлаш, кўчириш

бўйича ишлар қўламли кенгайди, телефон қувурлари ташкил этилиб, мавжуд телефон қудуқларининг устки қисми ер сатҳидан 25-30 см.га кўтарилиб, қурилиш ишлари олиб борилаётган майдонлардаги телефон кабеллари янги барпо этилган телефон қувурларига кўчирилди.

Бу каби ишларни амалга оширишда Акбар Ибодуллоев, Абдували Саидқулов, Исмоил Вафоев, Сирож Суяров, Элмурод Қодиров, Салим Холбоев, Зубайдулло Эгамбердиев, Олим Фақиров, Низом Умаров, Ҳусниддин Муродов, Ҳусниддин Тўхтаев, Хомид Хувайтов, Фазлиддин Солиев сингари филиал электромонтёр ҳамда кабел пайвандчиларининг, Турдиали Содиқов, Саидхамд Умаров, Ҳасан Холиқов сингари уштакта бошлиқларининг хизмати, шижоати кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

Қарши шаҳри аҳолиси ва ташкилотларига телефон, телеграф, интернет ва телекоммуникациянинг замонавий ва ноанъанавий хизматларини кўрсатиб келаётган "ЎЗИ-Қарши" филиали жамоаси даромадларини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида изланишлар олиб бормоқда. Жамоа сафига ёш мутахассислар кўшилиб, соҳа билимдонлари муносиб издошлари билан қўшни қўлга бериб айтойдил меҳнат қияптилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

Мижозларга қулай шароит

"Алоқабанк" акциядорлик тижорат банкининг Фарғона филиали ўз ваколатлари доирасида миқозларга барча турдаги банк хизматларини тақдим этмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг муҳим ишлаб чиқариш соҳаларига самарали равишда йўналтириб, банк бу маблағларни омонатчилар, миқозлар ва акциядорларнинг манфаатига мос равишда кўпайтириб бормоқда.

Филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қулай-

ликлар яратиш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида "Тadbirkorlar хонаси" ташкил этилган бўлиб, банкнинг юқори малакали мутахассислари томонидан барча масалалар юзасидан тушунтиришлар берилиб, миқозларнинг муаммолари тез ва сифатли ҳал этилмоқда.

"Тadbirkorlar хонаси" кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik субъектлари фойдаланишлари учун зарур техник воситалар, кўрғазмалли стендлар ва меъёрий ҳужжатлар билан бойитиб бориляпти.

Ярмарка

Марғилон шаҳридаги мавжуд 32та умумий таълим мактабида деҳқон бозори, ипак комбинати шаҳарчаси, янги Марғилон шаҳарчаси, темирйўл шохбекатида мактаб ярмаркалари ташкил этилди. Ярмаркаларда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlar томонидан ишлаб чиқарилган кийим-кечак, поймазал, мактаб формалари, сумкалар, ўқув қуроллари каби 26 номдаги сифатли, қулай ва арзон маҳсулотлар сотувга чиқарилган.

— Биз шаҳар халқ таълими раҳбарияти буйруғига асосан мактаб ярмаркаси очдик, — дейди 6-умумтаълим мактаби директори Замира Давидова. — Унда барча ўқув қуроллари сотувга қўйилган, бозордагидан ҳам арзон, ҳам сифатли. Ота-оналар бу қўлайликлардан мамнун.

М.МУҲАММАДЖОНОВ



ALSKOM
жамоаси

Гўзал диёримиз аҳолисини
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ
билан табриклайди.



Шухратинг бундан-да юксалсин, Ватан!

Хизматлар лицензияланган

**“РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ
ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ” ДУК жамоаси**

*Азиз ватандошларимизни
Муσταқиллигимизнинг 23 йиллиги
билан мувораққод этади!*



*Юртимиз тилъ,
ойлагаримиз мустаққали,
жонажон Ватанимиз тоғлари
қалимша мусаффо бўлсин!*



UZMOBILE

Барча юртдошларимизни
Ўзбекистон муσταқиллигининг
23 йиллик байрами билан
самимий қўтлайди



Эзгу ниятлар ила ватанимиз
фаровонлиги йўлида олиб бораётган
бунёдкорлик ишларингизда
омад ёр бўлсин!

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

**АНДИЖОН ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**



Серқуёш юртимиз аҳолисини
хамда алоқа ва ахборотлаштириш
тизими ходимларини

Истиқлол тантанаси
билан табриклайди.

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК

НАМАНГАН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

ЮРТИМИЗ АҲЛИНИ
АРДОҚЛИ БАЙРАМИМИЗ —
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ
23 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ

Юртимиз тинчлигига
кўз тегмасин!

Zo'r-Zo'r UCG 2014:

Самарқандда ҳудудий саралаш
турнири ғолиблари аниқланди

Жорий йилнинг 23-24 август кунлари Самарқанд шаҳрида e-sport бўйича Zo'r-Zo'r UCG 2014 компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати саралаш турнири ўтказилди. Унда Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан келган 16 жамоа, 120дан ортиқ геймерлар ғолиблик учун кураш олиб борди.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Нодир Эшназаров, "Unitel" МЧЖ ҳудудий филиали директори Дилшод Анарметовлар сўзга чиқиб, иштирокчиларни ва анжуман қатнашчиларини қизгин қутлади.

— Самарқанд нафақат ўзининг қадимий тарихи, балки замонавий компьютер клублари ва кучли e-спортчилари билан ҳам ажралиб туради. Бу йил Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззахдан e-спортчилар таклиф этилган, — дейди чемпионат ташкилий қўмитаси раҳбари Александр Сучков. — Ҳудудий саралашнинг Самарқандда ўтказилишидан мамнунмиз, республикамизнинг ушбу ҳудуддаги e-спортчилар миллий финалда юксак натижаларни кўрсатишида, деган умиддамиз.

Самарқанд шаҳрининг "Discovery"

клубида Dota All Stars ўйинлари бўлиб ўтган бўлса, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей мажлислар залида футбол симулятори — FIFA14 бўйича мусобақалар ҳамда ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мурасиз курашлар остида ўтган мусобақаларда Dota All Stars компьютер ўйини бўйича 1-ўринни Lux (N.K.S.) гуруҳи эгаллаган бўлса, 2-ўрин D.L гуруҳи, 3-ўрин эса Azartniki гуруҳларига nasib қилди.

Футбол симулятори FIFA14 бўйича мусобақаларда самарқандлик Дилшод Абдурахмонов биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринни сурхондарёлик Рустам Каримов ҳамда Азим Раҳмоновлар ўзаро бўлиб олишди.

Ғолиблар Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган миллий финалга йўланма олдилар.

Абдуғафур ҚОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилояти-
даги мухбири

КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИЛАР
ИНСТИТУТИГА ВА МУСТАҚИЛ
ИЗЛАНУВЧИЛИККА 2015 ЙИЛ УЧУН
ҚУЙДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ

05.12.01 - Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш;
05.12.02 - Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва қурилмалари. Мобил алоқа тизимлари;
05.13.03 - Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари. Ахборот хавфсизлиги;
05.13.04 - Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти;

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАСТУРИЙ
МАҲСУЛОТЛАР ВА АППАРАТ-ДАСТУРИЙ
МАЖМУАЛАР ЯРАТИШ МАРКАЗИ

05.13.01 - Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш;
05.13.02 - Информатиканинг назарий асослари;
05.13.06 - Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходим-изланувчилар институтига талабгор қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасига мурожаат қилади:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратураси, бакалавриатураси ёки фан номзоди дипломлари нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
- етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаши юзасидан ёзма розилиги;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар;
- 4x6 ўлчамдаги икки дона фотосурат, паспорт нусхаси.

Катта илмий ходим-изланувчи сифатида ўқиш учун кираётган шахслар:

- мутахассислик,
 - Ўзбекистон тарихи,
 - фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси,
 - чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширидилар.
- Мустақил изланувчиликка талабгор қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасига мурожаат қилади:
- иш жойидан тавсифнома;
 - маълумотнома;
 - олий таълим ёки фан номзоди туғилганлиги дипломининг нусхаси;
 - тегишли кафедра (бўлим, лаборатория)нинг хулосаси;
 - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
 - талабгорнинг илмий ва илмий-тадқиқот фаолиятга лаёқатини юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
 - илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.

Мустақил изланувчилик сифатида ўқиш учун кираётган шахслар:

- мутахассислик бўйича суҳбатдан ўтиш;
- таълимнинг ўрганилган олдинги даражасида чет тили бўйича имтиҳон топшириши керак.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 2014 йил 15 октябрдан — 15 ноябргача.


Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин:

100202, Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 108, ТАТУ;
100125, Тошкент шаҳри, Дурмон кўчаси, 25, ДМваАДМЯМ.

Маълумот учун телефонлар:

238-64-43, 238-64-03 - ТАТУ; 262-71-13, 262-72-47 - ДМваАДМЯМ.

ДУШАНБА — 1 СЕНТЯБР



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 7.00 "Бахтли болалик"...


19.30 "Ахборот" /рус/. 20.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллиги...

9.30 "Истиқлол фарзандлари". 10.10 "Пойта". Б/ф. 11.50 "Имкон-шоу"...

8.00 "Ким эдигу ким бўддик?" 8.05 "Улугимсан, Ватаним!" 8.25 Тошкент тароналари...


19.30 Тошкент тароналари. 19.40 "Теле-маркет". 19.50 "Ким эдигу ким бўддик?"...

11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар. 12.00 "SPORT-EXPRESS". 13.00 АНОНС...



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 7.00 "Замин гаройботлари"...

18.40 "Савдоин изкувар". Т/с. 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар. 19.30 "Ахборот" /рус/...




9.10 "Ўрмон қироли". Т/с. 9.50 "Телетуҳфа". 10.00 "Давр". 10.10 "Филойлар"...

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!" 6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 "Роятхт"...


19.55 "Навойи махзани". 20.25 "Ўғай она". Т/с. 22-қисм. /Премьера/...

13.00 "Футбол шарҳи". 13.50 "Техно-спорт". 14.00 "Sport ensiklopediya"...



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 7.00 "Замин гаройботлари"...

18.45 "Савдоин изкувар". Т/с. 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар. 19.30 "Ахборот" /рус/...



10.00 "Давр". 10.10 "Филойлар". Т/с. 10.50 "Афсона ва ҳақиқат"...

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!" 6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 2.00 "Роятхт"...

19.40 "Теле-маркет". 19.50 "Ким эдигу ким бўддик?" 19.55 "Навойи махзани"...

12.00 "SPORT-EXPRESS". 13.00 "RING". 13.50 "Техно-спорт". 14.00 ХАБАРЛАР...

ПАЙШАНА — 4 СЕНТЯБР

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Замин гаройботлари".

19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 Миллий сериал: "Опасингиллар".
20.50 "Истиклол солномаси".

10.00 "Давр".
10.10 "Фидойилар". Т/с.
10.50 "Афсона ва ҳақиқат".

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00,
20.00, 2.00 "Ройтаҳт".

19.40 "Теле-маркет".
19.50 "Ким эдиги ким бўлдиқ?"
19.55 "Навоий маҳзани".

14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 "Sport ensiklopediya".
14.20 От спорт. Бутунжаҳон

ЖУМА — 5 СЕНТЯБР

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Замин гаройботлари".

18.45 "Савдои изкувар". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.

10.50 "Афсона ва ҳақиқат".
11.30 "Ватан ҳимоясида доим қалдимиз".

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00,
20.00, 2.00 "Ройтаҳт".

19.50 "Ким эдиги ким бўлдиқ?"
19.55 "Навоий маҳзани".
20.25 "Уғай она", Т/с. 24-қисм.

10.35 Велоспорт. Вуэльта.
11.55 Рақамлар, натижалар,
рейтинглар.

ШАНБА — 6 СЕНТЯБР

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Табассум".

22.40 "Парижадаги муҳаббат".
Б/ф. Премьера.
00.15 - 00.30 "Кулларнинг бири-
рида".

15.10 "Навоий бўстони". 2-
қисм.
"Давр".
16.00 "Бир қадам". Т/с.

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00 "Бир ахборот дунё". Х/ф.
7.00 "Салом, Тошкент!"

21.35 "Пойтахт-эко".
21.45 "Теле-маркет".
21.55 "Пойтахт-шаҳарлар".

13.45 "Техно-спорт".
13.55 "Sport ensiklopediya".
14.00 ХАБАРЛАР.



UZTELECOM

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ"

акциядорлик компанияси

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ҲАМДА АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИНИ

ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ —

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

23 ЙИЛЛИГИ

БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ

Бош муҳаррир
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Сувоп НАЖБИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўричилигига таҳририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор тоҳқучаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Маязи: Тошкент шаҳри,
"Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-865 сонли буюртма.
Оффсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ,
Адади: 11061 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда
226-47-80

Бухорода
715-87-21

Гулистонда
240-00-46

Жиззахда
(94) 199-95-64

Навоийда
225-91-10

Нукусда
554-35-45

Самарқандда
230-64-80

Термизда
(91)235-88-68

Тошкентда
288-40-66

Урганчда
(90) 713-21-40

Фарғонада
244-18-05

Қаршида
(93)931-08-99